

Ухласам, нафсим қаровсиз қолади



16:09 / 27.10.2018 2648

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: “Нима бўлди сизга, нега кечаси ухламайсиз?” деб сўрашди. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу шундай деб жавоб бердилар: “Кечаси ухласам, нафсим, кундузи ухласам, халқ қаровсиз қолиб кетади”.

Кеккайишдан сақланинг

Ривоят қилишларича, бир куни Умар розияллоҳу анҳу елкаларида меш кўтариб чиқибдилар. Халифа бўлишларига қарамай, меш кўтариб олган ҳазрати Умарни кўрган кишилар ҳайрон бўлиб, “Эй мўминлар амири, бу нима ҳолат?” деб сўрашди. Шунда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: “Ўзимдан ужбланиб (манмансираш, ғурурланиш) кетдим, шунинг учун нафсимни қийнамоқчиман”, деб жавоб берибдилар.

Муаллиф: Ҳоний ал Ҳаж